

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ ОДИЛ БАХТИЯРОВИЧ

ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Самарқанд вилояти мисолида)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Гайбуллаев Одил Бахтиярович

Инвестицион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштириш
(Самарқанд вилояти мисолида)..... 3

Гайбуллаев Одил Бахтиярович

Совершенствование управления инвестиционным потенциалом (на
примере Самаркандской области)..... 29

G'aybullayev Odil Baxtiyarovich

Improvement of investment capacity management (on the example of
Samarkand region)..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ ОДИЛ БАХТИЯРОВИЧ

ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Самарқанд вилояти мисолида)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt889 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Рахимова Дилфуза Нигматовна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Турсунов Бобир Ортиқмирзаевич иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «___» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган).
(Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-74)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.П.Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М.Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д., доцент

Ш.Дж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида мамлакатларнинг ўз инвестицион салоҳиятини кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишга интилиш, мазкур жараёнлардаги риск даражаларини тўғри баҳолаш каби жиҳатларни ўзаро боғлиқ ҳолда ташкил этишга йўналтирилган инвестицион салоҳиятни бошқариш аҳамияти кенгайиб бормоқда. Ривожланган мамлакатлар ўз инвестиция ресурсларини халқаро майдонда самарали жойлаштириш, уларнинг замонавий инвестиция сиёсати талабларига мувофиқ келувчи ҳаракатчан таркибий тузилмасини шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш, бунда инновацион дастак ва воситалардан фаол фойдаланиш орқали ўз инвестицион салоҳиятларини муваффақиятли бошқариб бормоқдалар. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра “дунёдаги 140 мамлакатда охириги беш йилда инвестицион салоҳият деярли 2,5 мартадан зиёд ўсди, мамлакатларга жалб этилган ташқи инвестициялар миқдори 1,7-2,3 марта ошди”¹. Ҳозирда ва келажакда инвестицион салоҳиятни ошириш, янги инновацион технологияларни қўллаш илғор менежмент тизимига ўтишнинг ўзига хос шакли бўлиб қолмоқда.

Жаҳоннинг етакчи молия муассасалари, хусусан Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари сингари халқаро ташкилотлар томонидан инвестицион салоҳиятни баҳолаш ва уни самарали бошқаришга оид инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвесторлар учун қулай муҳит яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳонда инвестицион салоҳиятни ҳисоблаш индикаторлари ва уни баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш, инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш, инвесторлар фаолияти самарадорлигини таъминлашда «инвестицион мавқеи»ни шакллантириш, инвестицион салоҳиятни бошқаришни халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш бу борадаги устувор илмий-тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш шароитида мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ўстириш ва ундан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитасида “худудлар ва тармоқларнинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссасини аниқлаш орқали “ўсиш нуқталари”ни белгилаш”² масаласи муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифа мамлакатдаги инвестицион салоҳият ва унга таъсир этувчи янги омилларни ўрганиш орқали инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўллари аниқлашни тақозо этади. Шу билан бир қаторда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларини тадқиқ

¹Манба: <http://www.uzdaily.uz/uz/post/1637>

²Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси– www.lex.uz

қилишнинг назарий-методологик базасини, ишлаб чиқариш комплекслари, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Бу иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича стратегик қараш ва дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш нуктаи-назаридан ушбу масаланинг методологик ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 616-сон «Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага оид тегишли бўлган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодийни модернизациялашнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Кўмитасининг фундаментал тадқиқотлар Давлат илмий-техник дастури йўналишларига мос келади. Мавзу 2017-2021 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурининг бозор иқтисодиёти, жамиятнинг ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси йўналишларини ўзида қамраб олган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион салоҳиятни бошқаришнинг иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги хусусиятлари Б.Гарретт, Г.Жереффи, Р.Каплински, М.Лоренц, П.Маскелл, С.Резенфельд, М.Симагути, М.Сторпер, Э.Шмитц, М.Энрайт³ каби

³[B.Garret](#) Investigation into federally insured banks.Hearings, Eighty-ninth Congress, first session, pursuant to Senate resolution 54, 89th Congress. — Washington,1965.231-p.; Gereffi G., Humphrey J., Sturgeon T. The governance of global value chains, *Review of International Political Economy*, 2005, № 12 (1), February, p. 83; Kaplinsky R. Global Value Chains: Where They Came From, Where They Are Going and Why This Is Important // *Innovation, Knowledge, Development Working Papers*, 2013, no. 68; M.Lorens Financing Growth. SMEs in Global Value Chains. The case for a coordinated G20 policy approach, Paris, 2016; Maskell, P., Kebir, L. What qualifies as a cluster theory? // *Asheim, B., Cooke P., Martin R. (Eds.). Clusters and regional development: Critical reflections and explorations*. New York: Routledge, 2006. p.30-49; Rosenfeld S.A. Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic

олимларнинг бу масалаларга оид концепциялари, назариялари ва амалий изланишларида ўз аксини топган.

Ушбу муаллифларнинг назарий ва услубий ёндашувларида инвестицион муҳит жозибадорлигининг такрор ишлаб чиқариш жиҳатларини ўзида акс эттирган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда инвестицион салоҳият шаклланишининг функционал асослари каби хусусиятлар устунлик қилади.

МДХ давлатларида замонавий инвестицион бошқарув назарияларини тадқиқ қилиш инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларига оид изланиш жараёнининг анъанавий давлат инвестиция сиёсатини ўрганишдан - давлат инвестицион менежменти, давлат инвестицион хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг самарали инвестицион ўсиши борасидаги замонавий фанларга ўтиш босқичида турганлигини тасдиқлайди. Буларга мисол тариқасида О.А.Бияков, А.Г.Гранберг, Ю.А.Гаджиев, С.М.Дробишевский, В.К.Ломакин, Я.Д.Лисоволик, Г.Л.Азоев, Б.С.Жихаревич, Р.Фатхутдинов, Ю.В.Савельев, Е.А.Коломак, А.С.Новоселов, С.С.Артоболевский, Б.М.Гринчель каби олимларнинг изланишларини келтириш мумкин⁴.

Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўллариини ўрганиш нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар илк изланишлар ҳисобланади. Миллий инвестицион сиёсат ва минтақавий иқтисодиёт мактаби олимлари М. Абдусаломов, К. Абиркулов, Н. Аимбетов, Т.Ахмедов, Д.Ғозибеков, Н.Каримов, Ш.Мустафакулов, Н.Ҳайдаров, Ф.Додиев, О.Сабилов, Ш.Имомов, Б.Рўзметов, А.Содиқов, А.Солиев, А.М. Қодиров, А.А.Қаюмов, Ф.Т.Эгамбердиев⁵ ва бошқалар эришган илмий

Development // European Planning Studies, Nr. 5, 1997. – pp. 3-23; М.Симагути Эпоха системных инноваций. “Бизнес по-японски”. Пер.с японского. М.:Миракл, 2006-248с.; Storper M. Globalization, localization and trade // The Oxford Handbook of Economic Geography. - Oxford: Oxford University Press. - 2002. - P. 1 - 31. - Режим доступа: www.lse.ac.uk/.../pdf/GlobLocalization.pdf; Schmitz H. On the clustering of small firms // IDS Bulletin. 1992. Vol.23, No.3; Enright, M. J. Survey on the Characterization of Regional Clusters: Initial Results. - Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy: Competitiveness Program, University of Hong Kong, Sun Hung Kai, 2000. -21 p. - Режим доступа: http://www.paca-online.org/cop/docs/Michael_Enright_Survey_on_the_characterization_of_regional_clusters.pdf.

⁴ Бияков О.А. Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала. Автореф. дис. д-ра экон. наук. Кемерово, 2005.-42с; Гранберг А.Г. О программе фундаментальных исследований пространственного развития России. //Регион: экономика и социология, №2, 2009 г. С. 166-178; Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития // Экономика региона, выпуск 2-й, 2009 г., с.45-62; Ломакин В.К. Мировая экономика. Учебник / 4-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012 г. – 671 с.; Лисоволик Я.Д. Глобализация: от Великого шелкового пути до ВТО // Российский журнал, 12 января 2007 г.; Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1996 г. – 208 с.; Жихаревич Б.С., Лимонов Л.Э., Жунда Н.Б. и др. Региональная экономика и пространственное развитие. Учебник в 2-х томах. – М.: Юрайт, 2014 г.; Фатхутдинов Р. Глобальная конкурентоспособность: монография. – М.: РИА Стандарты и качество, 2009 г. – 464 с.; Савельев Ю.В. Управление конкурентоспособностью региона: от теории к практике. – Петрозаводск: КарНЦ РАН, 2010 г. – 516 с.; Гринчель Б.М. Повышение конкурентоспособности территорий как обобщающая задача стратегического планирования. – СПб., 2007 г. – 120 с.

⁵ Абдусаломов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.; Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: ФАН, 1992 г.; Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Т.:2017; Қаюмов А.А. Некоторые аспекты управления в рыночной экономике. Материалы Республиканской Научно-практической конференции. – Москва, 1-2 февраля, 2014г.; Садыков А.М. Приоритетные направления повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана. Материалы IV-Форума экономистов Узбекистана. – Ташкент, 2012 г.; Солиев А.С. Иқтисодий география назария, методика ва амалиёт Монография. – Т.: “Камалак”, 2013 й.; Эгамбердиев Ф.Т. Иқтисодиёт назарияси, ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2014 й..

натижалар инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўллари йўганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2-021-I “Инновацион иқтисодиёт шароитида агробизнеснинг ташкилий–иқтисодий механизмлари, менежмент фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-услубий ҳамда амалий асосларини такомиллаштириш” (2021 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инвестицион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитида инвестицион фаолият, инвестицион салоҳият ва инвестицион сиғимнинг илмий асосларини тадқиқ этиш;

инвестицион салоҳиятнинг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш имкониятларини очиқ бериш;

инвестицион салоҳиятни аниқлашнинг услубий масалаларини ўрганиш; мамлакатда иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, ишбилармонлик муҳити, эркин ва махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва иқтисодиётнинг очиқлиги омиллари таъсирини тизимли тадқиқ қилиш асосида инвестицион салоҳиятни бошқаришнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва молиявий-иқтисодий диагностика қилиш;

ҳозирги шароитда мамлакатда инвестицион салоҳиятни баҳолаш ва унинг имкониятларини оширишнинг ташкилий-функционал жиҳатларини таҳлил қилиш;

инвестицион фаолият самарадорлиги таъминланиши ҳисобига унинг имкониятларини аниқлаш асосида инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш бўйича стратегик қарарлар ва устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда уларни амалга оширишнинг чора-тадбирлари ва механизмларини таклиф этиш;

инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш жараёнида бошқарув органларининг ташкилий-функционал имкониятларини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

иқтисодий ўсиш қутблари ва нуқталарининг шаклланиши натижасида потенциал ва истиқболли инвесторларнинг “инвестицион мавқеи”ни ошириш йўллари тадқиқ этиш;

инновацион-инвестицион сиёсатни шакллантириш асосида такомиллаштирилган риск-менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни самарали бошқаришни таъминлашга қаратилган инвестиция сиёсатини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти корхоналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини инвестицион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштириш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланиш жараёнида гуруҳлаш, қиёсий таҳлил ва тизимли ёндашув, регрессион таҳлил, SWOT-таҳлил каби умумиқтисодий тадқиқ усулларида ҳамда бошқарув тизимларининг социологик кузатуви, диагностикаси ҳамда улар самарадорлигини эксперт баҳолаш, риск-менежменти каби менежмент усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти инвестицион салоҳиятидан фойдаланишда омиллар таъсирини аниқлашнинг уч босқичли ёндашуви асосида ҳудуддаги инвестицияларни амалга оширишнинг мақбул меъёри ($M_1=0,65$) аниқланиб, жалб этилаётган инвестицияларнинг мазкур меъёрга мувофиқлигини баҳолаш орқали йўналишларини қайта шакллантириш таклифи асосланган;

Самарқанд вилояти бўйича ажратиб олинган инвестицион салоҳиятнинг учта ўсиш қутблари ва нуқталари (Марказий-Ғарбий – 6 та, Марказий-Шарқий – 16 та, Жанубий – 9 та)даги етакчи фаолият турларини белгилаб олиш орқали ҳудуддаги инвестициялар самарадорлигини ошириш асосланган;

ҳудуддаги потенциал ва истиқболли инвесторларнинг «инвестицион мавқеи»ни оширишнинг риск-менежмент стратегияси турли омиллар таъсирида иқтисодий ўсиш қутблари ва нуқталари таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олувчи инновацион-инвестицион сиёсатни шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари ҳолати ва таркибини жалб этилаётган инвестиция ҳажми ва таркибига мослигининг мақбул даражасини таъминлаш орқали такомиллаштириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлатнинг инвестиция сиёсати, ҳудудий иқтисодиёт ва минтақавий ривожланиш дастурлари ижроси амалиётининг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида инвестицион салоҳиятни самарали бошқаришнинг зарурлиги ва аҳамияти асосланган;

инвестицион салоҳият шаклланишининг амалдаги механизмини таҳлили асосида унинг заиф жиҳатлари аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш шароитида турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқаришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларини амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлар тизими таклиф этилган;

Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг тарзда мамлакатда инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларини такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ва амалий усуллар ҳамда ёндашувларнинг жаҳон ва миллий

даражадаги олим ва мутахассислар қарашларига, олиб борилган тадқиқотларга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг даврий ҳисоботлари ва статистик маълумотлар тўпламларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изланишлар давомида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялардан инвестицион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштиришга оид тадқиқотларни ўтказишда методологик асос сифатида, инновацион лойиҳаларни, давлатнинг турли минтақалар ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларини мақсадли ривожлантириш дастурлари ва устувор йўналишларини ишлаб чиқишнинг илмий апаратини шакллантиришда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялардан инвестицион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган стратегиялар ва давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари аниқлашда, тизимли мониторингни амалга оширишда, янги инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда, маҳаллий ҳокимликлар ва саноат тармоқларининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги масъулияти ва вазифаларини аниқлаштиришда ҳамда олий таълим муассасаларида “Инвестициялар”, “Минтақавий иқтисодиёт” ва “Инвестицион менежмент” сингари махсус фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инвестицион салоҳиятни шакллантириш ва самарали бошқариш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Самарқанд вилояти инвестицион салоҳиятидан фойдаланишда омиллар таъсирини аниқлашнинг уч босқичли ёндашуви асосида ҳудуддаги инвестицияларни амалга оширишнинг мақбул меъёри ($M_1=0,65$) аниқланиб, жалб этилаётган инвестицияларнинг мазкур меъёрга мувофиқлигини баҳолаш орқали йўналишларини қайта шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Ҳудудларда инвестиция фаолиятини ривожлантириш дастурлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги № 06/04-02-32/2672-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида бой табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш жойларини ташкил қилиш асосида 2021 йилнинг биринчи ярмида Самарқанд вилоятига жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажмининг 15,8 фоизга ошиши таъминланган;

Самарқанд вилояти бўйича ажратиб олинган инвестицион салоҳиятнинг учта ўсиш кутблари ва нуқталари (Марказий-Ғарбий – 6 та, Марказий-Шарқий

– 16 та, Жанубий – 9 та)даги етакчи фаолият турларини белгилаб олиш орқали худуддаги инвестициялар самарадорлигини ошириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Худудларда инвестиция фаолиятини ривожлантириш дастурлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги № 06/04-02-32/2672-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида иқтисодиётда ўсиш кутби ва нуқталарининг инвестицион жозибадорлиги таққослаш учун асос сифатида танланган соҳанинг инвестицион жозибадорлигидан 2,3 марта юқори эканлиги тасдиқланган;

худуддаги потенциал ва истиқболли инвесторларнинг «инвестицион мавқеи»ни оширишнинг риск-менежмент стратегияси турли омиллар таъсирида иқтисодий ўсиш кутблари ва нуқталари таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олувчи инновацион-инвестицион сиёсатни шакллантириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Худудларда инвестиция фаолиятини ривожлантириш дастурлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги № 06/04-02-32/2672-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида 2021 йилнинг биринчи ярмида фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг дирекция билан ҳамкорликдаги шартномани узайтириш ҳақида қўшимча аризалари сони 21 фоизга ошган;

худудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари ҳолати ва таркибини жалб этилаётган инвестиция ҳажми ва таркибига мослигининг мақбул даражасини таъминлаш орқали такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан “Худудларда инвестиция фаолиятини ривожлантириш дастурлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги № 06/04-02-32/2672-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида потенциал ва истиқболли инвесторларнинг янги иш ўринлари яратишдаги иштироки 15,8 фоизга, ўзлаштирилган инвестициялардаги иштироки эса 16,2 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, халқаро журналларда 3 та, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, қисми тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестицион салоҳиятни бошқаришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида ИСнинг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонлари тадқиқ этилган, ИСни бошқаришнинг зарурлиги, вазифалари ҳамда йўналишлари асосланган ҳамда ИСни бошқаришга оид хориж тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўналишлари ёритилган.

“Инвестицион салоҳият” тушунчаси илк бор 1980-йилларда Т.С. Хачатуров ва В.П. Красовскийнинг ишларида пайдо бўлди ва бунда мазкур тушунча фонд ҳосил қилувчи тармоқлар комплексига нисбатан қўлланилди. Бироқ, ушбу ишларда мазкур тушунчанинг иқтисодий мазмуни очиқ берилмади⁶.

Бизнинг фикримизча, ИС мазмуни баёнида унинг учта асосий жиҳатига эътибор қаратиш лозим: биринчидан, бу бутун иқтисодий ўсишга бевосита таъсир кўрсатадиган барча ресурсларнинг комбинациясидир; иккинчидан, ИС – бу қарз маблағларини жалб қилмасдан, инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондирадиган, мавжуд бўлган ишлаб чиқариш омиллари мажмуи (масалан, истеъмолчилар талабининг юқори даражаси ёки капитал қўйилмалар жойлаштирилиши учун турли соҳалар)дир; учинчидан, ИС – бу ушбу инвестицион таваккалчиликларни, шунингдек, инвестиция лойиҳалари рентабеллиги кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва юритиш учун шарт-шароитларнинг етарлилигидир⁷. Ушбу таъриф инвестицион салоҳиятни ҳар йили баҳолаб боришни амалга ошираётган рейтинг агентликлари томонидан берилган.

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётини эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ИСни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари илмий тадқиқотга янгича ёндашувнинг фундаментал асоси шунга таянмоғи лозимки, унда мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги ИСни бошқаришни такомиллаштириш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида янги инвестиция сиёсати доирасида “ўсиш кутби” ва “ўсиш нуқталари”ни белгилаш орқали инвестицион салоҳиятнинг истиқболли асосларини тадқиқ этиш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш ётиши лозим.


Бизнинг фикримизча, “инвестицион салоҳият” тушунчасининг мазмунини “мақбул инвестицион иқлим шароитида ўз ва жалб қилинган маблағларнинг инвестицион сиёсатда белгиланган мақсад ва кўламларда инвестицион

⁶ Т.С.Хачатуров, В.П.Красовский Инвестиционная политика природопользования. М.: Экономика, 1989.- 389с.

⁷ Скурихина Е. В. Инвестиционно-инновационный потенциал региона: сущность, содержание, факторы состояния и развития // Молодой ученый. – 2012. – №3. – с. 192-195.

фаолиятни таъминлашга қаратилган жами имкониятлари” сифатида қараш лозим.

ИСни самарали бошқариш йўналишларини иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида ўрганиш бу жараёни бир вақтнинг ўзида уч даражадаги тизимли муносабат иштирокчилари мақсадли фаолияти йиғиндиси сифатида қарашни талаб этади (1-расм).



1-расм. Инвестицион салоҳиятни бошқаришни комплекс-тизимли тадқиқ этиш⁸

Иқтисодиёт фани тарихида иқтисодиётнинг ўсиш кутблари назарияси нисбатан янги йўналиш бўлиб, бунда Ф.Ф.Перру, Ж.Будвиль, Х.Ричардсон, П.Потье, Х.Р.Ласуэн⁹ каби жаҳонга машхур олимлар энг катта ҳисса қўшишган.

⁸ Муаллиф ишланмаси.

⁹ Перру Ф. Экономическое пространство: теория и приложения [Текст] // Пространственная экономика, 1972, № 2, С. 25; Boudeville J. Problems of regional economic planning // Edinburg: Edinburgh U.P. 1966. 192 p.; Richardson H. W. City Size and National Spatial Strategies in Developing Countries. — Washington: World Bank Staff Working Paper no. 252, 1977. [Electronic resource]. URL: <http://documents.worldbank.org/curated/en/204871468765933852/pdf/multi0page.pdf>; Pierre Pottier. Axes de communication et développement économique // Revue économique.— 1963.—Т.14.—С. 58-132; Ласуэн Х. Р. Урбанизация и экономическое развитие: временное взаимодействие

“Ўсиш кутблари” тушунчаси биринчи марта 1950 йилларнинг бошларида жаҳонга машхур француз иқтисодчиси Ф.Перру томонидан таклиф қилинган бўлиб, у ўсиш кутбларини иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик фаоллиги ва инновацион жараёнларнинг энг юқори интенсивлиги кузатилган инвестицион маскан, деб тушунган¹⁰.

Ж.Будвил ҳар бир минтақа эмас, балки фақат ҳаракатлантирувчи саноатга эга бўлган минтақагина ўсиш кутби бўлиши мумкин¹¹, деб таъкидлаган.

Х.Р.Ласуэн фикрича, ўсиш кутблари экспорт қилинадиган товарларга истеъмол талаби учун рақобат асосида ривожланади, бу эса ўсиш учун туртки ҳисобланади¹².

Диссертациянинг “**Инвестицион салоҳиятни бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида ИСни аниқлашнинг услубий масалалари тадқиқ этилган, Самарқанд вилояти ИСидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда иқтисодиётнинг ўсиш кутблари ва нуқталарининг ИС шаклланишидаги иштироки ва инвестицион жозибдорлигини баҳолаш ҳолати таҳлил қилинган.

“Ўсиш кутблари” ва “ўсиш нуқталари” тушунчалари ўзаро боғлиқдир. Ҳозирги кунда “иқтисодий ўсиш нуқталари” тушунчасига иккита фундаментал ёндашув мавжуд: биринчидан, мазкур тушунча орқали муваффақиятли фаолият юритаётган, ўзини молиявий таъминловчи корхоналар тушунилса, иккинчидан, бундай корхоналар иқтисодий ривожланиш салоҳияти ва истиқболларига эга, уни амалга оширишга қодир бўлган, давлат ва ҳомийлик молиявий қўллаб-қувватладиган корхоналар. Биринчи концепция тарафдорлари бозорни инвестицион масканнинг ўзини-ўзи таъминлайдиган таркибий қисми деб ҳисоблайдилар, бу ерда корхоналар рақобат асосида муваффақиятли фаолият юритади, иқтисодий ўсиш нуқталарига айланади. Мамлакатимиздаги айрим корхоналарнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи салбий омиллардан бири бу иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш ва ривожлантиришга қўмаклашувчи давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва инвестицияларнинг етарли эмаслигидир.

Иккинчи ёндашув қоидаларига кўра, иқтисодиёт ўсиш нуқталарининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши пировард натижада кўшни корхоналарнинг ҳам ривожланишига хизмат қилади ва бунинг натижасида мамлакат иқтисодиётининг ўсишига олиб келади. Ривожланган мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, ўсиш кутблари нафақат автоном ривожланади, балки даставвал ўсиш кутбига кирувчи корхоналарда инвестициялардан максимал даромад олиш имконияти мавжуд бўлса, улар жойлашган бутун инвестицион масканнинг ривожланишига туртки беради.

Иқтисодиётнинг ўсиш кутблари ва ўсиш нуқталари назарияси соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда иқтисодиётда потенциал ўсиш нуқталари бўлган тармоқ корхоналарини аниқлаш ва асослаш методологиясини шакллантириш ва уларнинг концентрациясини ихчам жойлашган инвестицион масканда ўсиш кутбларини яратиш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланиш таклиф этилади:

между географическими и отраслевыми кластерами// *Пространственная экономика*.— 2010.—№ 1—С. 68–104.

¹⁰Радущинский Д. А. О «Полюсах роста» и кластерах в инновационной инфраструктуре региона. // Санкт-Петербург: Современные научные исследования и инновации// № 10- 2013, С. 1- 6..

¹¹Boudeville J. Problems of regional economic planning // Edinburg: Edinburgh U.P. 1966. 192 p.; Richardson H. W. City Size and National Spatial Strategies in Developing Countries. — Washington: World Bank Staff Working Paper no. 252, 1977. [Electronic resource]. URL: <http://documents.worldbank.org/curated/en/204871468765933852/pdf/multi0page.pdf> ;

¹²Ласуэн, Х. Р. Урбанизация и экономическое развитие: временное взаимодействие между географическими и отраслевыми кластерами// *Пространственная экономика*.— 2010.—№ 1—С. 68–104.

1. Динамик ривожланишга қодир, барқарор ўсиш суръатларига эга бўлган саноат ва тармоқларни аниқлаш.

2. Тармоқ ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида энг юқори улушга эга бўлган корхоналарни аниқлаш.

3. Иқтисодиётнинг ўсиш кутблари ва ўсиш нуқталари назариясида “занжирли реакция яратиш” қобилиятига эга бўлган мазкур корхоналар - ўсиш локомотивларидир.

4. Ўсиш кутби корхоналарнинг тармоқ тугунлари, ўсиш нуқтаси эса тармоқнинг бир ёки бир нечта географик концентрациясида жойлашган алоҳида корхона ёки ишлаб чиқариш бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳар қандай бир инвестицион маскан ёки тармоқдаги аҳамиятли тугунни ўсиш кутби деб айта олмаемиз. Бизнинг фикримизча, фақат ҳаракатлантирувчи етакчи тармоқлар ифодаланган марказ ёки тугунгина ўсиш кутби бўлиши мумкин, уни ривожланиш импульсларидан хабардор қилади. Шу муносабат билан, бошқа корхона ва тармоқларга нисбатан маълум бир инвестицион масканда бошқа корхоналарга нисбатан иқтисодий қулайлик ва афзалликларни намойиш қила олаётган ўсиш нуқталари ҳамда ўсиш кутбларининг янада динамик ривожланиш манбасини аниқлаш керак.

Умуман, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартириш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш омилларидан максимал даражада самарали фойдаланишни таъминловчи корхоналар ўсиш нуқтаси бўлиши мумкин. Кўлам самараси таъсири натижасида ишлаб чиқаришнинг концентрация жараёни содир бўлади, бу эса пировард натижада ўсиш нуқталари бўлмиш корхоналар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш учун ижтимоий харажатларнинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, инвестицион салоҳиятнинг ихчам жойлашган масканида ишлаб чиқариш ва корхоналар фаолиятининг кенгайиши билан синергик таъсир кучга кирганда, ўсиш нуқталарининг ҳаракатлантирувчи таъсирининг биринчи муҳим натижаси синергетик таъсир бўлади. Иккинчиси корхоналарнинг интеграциялашуви, яқинроқ ва самарали ўзаро таъсири натижасида, янги янада самарали хислатлар ва жиҳатлари пайдо бўлиши фаолият самарадорлигининг ошиши сифатида белгиланади ва бу янги ўсиш кутбининг шаклланиши белгисидир.

Келажақда ўсиш кутбини шакллантириш жараёни маълум бир инвестицион маскан ўсиш нуқталарининг ривожланиши ва кўпайиши асосида, миқдорнинг сифатга айланган ҳолатида содир бўлади. Бу жараёнга мазкур инвестицион масканнинг моддий ва бозор инфратузилмасидан биргаликда фойдаланиш, маҳсулот бозорларининг кенгайиши натижасида эришилаётган имтиёзлар туртки бўлмоқда.

Бунда иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб технологик алоқадор тармоқлар ўртасида барқарор иқтисодий алоқалар вужудга келади.

Кўриб чиқилган назарий позициядан келиб чиққан ҳолда, инвестицион масканнинг иқтисодий ривожланиши бутун иқтисодиёт инвестицион салоҳияти ошишига туртки берадиган тармоқ ва соҳаларни излаш билан белгиланади, деб тахмин қилинади. Тузилган мезонлар инвестицион масканнинг маълум бир соҳа ва тармоғида потенциал ўсиш нуқталари ҳамда кутбларини аниқлаш ва асослаш методологиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мазкур диссертацион тадқиқотимизда биз ишлаб чиққан “Инвестицион салоҳиятни бошқарув самарадорлиги даражасини кўп омилли индекс усулидан фойдаланиш асосида рейтинг баҳолаш тизими”га оид таклиф Самарқанд вилояти

инвестицион салоҳиятини бошқаришда унинг таркибидаги шаҳар ва туманларнинг иштирокини баҳолашга ва ўсиш кутбларини аниқлашга қаратилган бўлиб, унда фойдаланилган индекс усули бўйича бўлиши мумкин ҳисоб-китобларни услубий жиҳатдан 3 босқичга бўлдик.

Биринчи босқичда Самарқанд вилояти инвестицион салоҳиятини бошқарув самарадорлиги даражасига унинг таркибидаги 16 та шаҳар ва туманлар бўйича таъсир этувчи 15 турдаги омиллар (1) маҳаллий иқтисодий тараққиётга стратегик ёндашувнинг мавжудлиги; 2) иқтисодийни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий қобилияти; 3) маҳаллий бизнес вакиллари билан кооперация ва мунтазам алоқанинг мавжудлиги; 4) қурилиш ишлари учун рухсат олишнинг самарали тизимининг мавжудлиги; 5) бизнес учун зарур маълумотларнинг борлиги, етарлилиги ва фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги; 6) ҳудудда инвестициялар ва маркетингни рағбатлантиришнинг амалдаги ҳолати; 7) кредитга лаёқатлилиги ва молиявий барқарорлик даражаси; 8) вилоят бюджети таркибидаги тегишли ҳудуд маҳаллий бюджетининг донор ёки реципиент имкониятлари; 9) инсон ресурсларини ривожлантириш ва бандликни қўллаб-қувватлаш ҳолати; 10) давлат-хусусий шерикчилигини мустаҳкамлаш; 11) мос инфратузилма ва ишончли коммунал хизматлар; 12) маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича очиқ ва рағбатлантирувчи сиёсатнинг юритилиши; 13) инфорацион технологияларнинг жорий этилиши; 14) вилоят инновацион тараққиётига қўшаётган ҳиссаси; 15) вилоят экспорт салоҳиятидаги иштироки) таъсирининг эксперт баҳоланиши амалга оширилди. Мазкур 15 турдаги омилнинг ҳар бирига таъсир этиш улуши бириктирилди ва уларнинг умумий вазни 20 ни берди.

Иккинчи босқичда ҳар бир шаҳар ва туманнинг 15 турдаги ҳар бир омили бўйича эксперт баҳолаш орқали 0 (энг паст)дан 5 (энг юқори) балл кўйилди (2-расм).



2-расм. 0 (энг паст) дан 5,0 (энг юқори)гача шкалада Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларининг 2021 йилдаги инвестицион салоҳияти омиллари мажмуининг баҳоланиши даражаси¹³

Учинчи босқичда ҳар бир шаҳар ва туман учун ҳар бир омилнинг вазни ушбу омил таъсирига берилган эксперт баҳоси балига кўпайтирилади. Тегишли шаҳар ва туман бўйича 15 турдаги омил бўйича вазн ва эксперт баҳосининг таъсири натижаси бўлган миқдори 0 дан 100 баллгача бўлган

¹³ Муаллиф ишланмаси.

ушбу натижа – тегишли шаҳар ва туманнинг Самарқанд вилояти инвестицион салоҳиятини бошқарув самарадорлигига таъсирини баҳоловчи индексдир.

Мазкур услубиёт асосида Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларининг вилоят инвестицион салоҳиятини бошқарув самарадорлигига таъсирини баҳолашнинг сифат тавсифига асосланган иштироки баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилояти ИСини бошқаришда шаҳар ва туманлар иштирокини сифат тавсифига кўра баҳоланиши¹⁴

Индекс миқдори	Сифат тавсифига кўра баҳо	Тавсиф изоҳи	Вилоят шаҳар ва туманлари
0-39	Инвестицион риск жуда юқори	Хорижий инвесторлар учун тижорий шариоитлари мақбул бўлмаган хуудлар	Оқдарё, Пахтачи, Тойлок, Иштихон
40-54	Инвестицион риск юқори	Хорижий инвесторлар учун инвестиция rischi юқори бўлган хууд	Булунғур, Пастдарғом, Самарқанд, Нарпай, Қўшрабат
55-69	Инвестицион риск мавжуд	Жорий тижорат ҳисоб-китобларида айрим қийинчиликлар мавжуд хуудлар	Каттақўрғон ш., Жонбой, Нуробод
70-100	Инвестицион риск жуда кам	Инвестицион салоҳиятни оширишга барқарор кулай инвестицион муҳит	Самарқанд ш., Каттақўрғон, Пайарик, Ургут

*Муаллиф ишланмаси.

Мамлакатимизда бу соҳадаги мавжуд илмий-методологик базанинг таҳлили асосида инвестицион салоҳиятни аниқлаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганишнинг алоҳида йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Мамлакатимизда инвестицион салоҳиятни аниқлаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш мактаблари тавсифи*

Илмий мактаб номланиши	Илмий мактаб вакиллари	Илмий мактаб қарашларининг асослари
1. Минтақавий иқтисодий мактаби	М.Абдусаломов, К.Абирқулов, Н.Аимбетов, Т.Ахмедов, А.Содиқов, А.Солиев, А.Қодиров, А.Қаюмов, Ф.Эгамбердиев	Ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепциялари
2. Миллий инвестицион сиёсат мактаби	Ш.Б.Имомов, Ш.Х.Назаров, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ҳайдаров, Н.Ғ.Каримов, Р.З.Юлдашев, Ф.Ў.Додиев, Н.Р.Кузиева, Ш.Р.Ражаббаев, Б.Ш.Муминов, М.А.Раимжанова, .Х.Элмуродов, С.А.Нуриддинов, Б.Қ.Ҳошимов, Н.Йўлдошев, А.Х.Худайбердиев	Рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида самарали инвестиция сиёсати концепциялари
3. Инвестицион-инновацион салоҳият, инвестицион муҳит, инвестицион самара ва инвестицион муҳит фаоллигини ошириш мактаби	Ш.И.Мустафақулов, Ш.А.Аллаяров, У.Мадрахимов, А.Сабилов, С.А.Абдурахимова, А.Ҳ.Эргашев, Н.Р.Ражабов	Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш йўналишларининг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш концепциялари

*Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотимизда юқоридаги йўналишлардан учинчисини ва унинг

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

таркибидан Ш.И.Мустафақулов, Ш.А.Аллаяров, У.Мадраҳимов, А.Сабилов, С.А.Абдурахимова, А.Ҳ.Эргашев, Н.Р.Ражабовлар томонидан таклиф этилган инвестицион салоҳиятни ҳисоблаш индикаторлари ва баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганиш методологиясини асос қилиб олишимизга, унинг қуйидаги жиҳатлари сабаб бўлди:

- мазкур методологиянинг ҳозирги кунда инвестицион салоҳиятни аниқлашга оид мавжуд услубиётлар моделлари шарҳи, баҳолаш параметрлари тавсифи ва қиёсий таҳлилига таянганлиги;

- замонавий ва тизимли ёндашувга таянган илмий асосларнинг мавжудлиги;

- инвестицион салоҳиятни ҳисоблаш индикаторлари тавсифида натижавийликка асосланган ҳолда ҳар бир индикаторнинг аниқ иштирокининг баҳоланиши ва улар юзасидан фойдаланилмаган имкониятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ қарашларнинг ўрин олганлиги.

Мазкур тадқиқотимизда инвестицион салоҳиятни бошқарув самарадорлиги даражасини кўп омилли индекс усулидан фойдаланиш асосида рейтинг баҳолаш тизими таклиф этилди.

Маълумки, ҳозирги кунда инвестицион салоҳиятни аниқлаш ва баҳолашга 5 хил ёндашув мавжуд: рейтинг ёндашуви, ресурсли ёндашув, натижавий ёндашув, омилли ёндашув ва тармоқли (соҳавий) ёндашув (3-расм).



3-расм. Инвестицион салоҳиятни аниқлаш ва баҳолашдаги асосий ёндашувлар

Рейтинг баҳолаш тизими асосида инвестицион салоҳиятни аниқлаш ва баҳоланган объектларни тартиблаш учун статистик баҳолашдек жуда кенг тарқалган усул ҳам қўлланилади¹⁵. Унинг моҳияти шундан иборатки, кўп омиллар бўйича статистик манбалардан олинган рақамли кўрсаткичлар маълум шкала бўйича балл билан баҳоланади.

¹⁵ Инвестиционный менеджмент: учебник / Н. Д. Гуськова, И. Н. Краковская, Ю. Ю. Слушкина, В. И. Маколов. — М. : КноРус, 2010.с.84.

Мазкур тадқиқотимизда Самарқанд вилояти шаҳар ва туманлари иқтисодий комплексларини уларнинг инвестицион салоҳиятдаги иштироки бўйича тартиблашга имкон берувчи диагностик кўрсаткичлар комплексини ўргандик (3-жадвал).

3-жадвал

2017-2021-йилларда Самарқанд вилоятида саноат тармоқларининг инвестицион салоҳиятдаги иштироки рейтингини¹⁶

Кўрсаткичнинг номланиши	2017	2018	2019	2020	2021
Саноат ишлаб чиқаришининг жисмоний ҳажми индекси (Базис йилида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1 га тенг).	1,29	1,04	1,07	0,36	1,15
Иқтисодий комплекс таркибидаги корхоналарнинг умумий сонидан рентабелли корхоналар улуши (Саноатдаги корхоналар сони 1 деб қабул қилинган)	0,65	0,61	0,64	0,29	0,88
Маҳсулот рентабеллиги даражаси (Кўрсаткич стандартлаштириш учун 1 нинг улушларида ҳисобланади)	0,14	0,20	0,20	0,05	0,11
Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқлиги даражаси (қарз таркибини тавсифлаш мақсадида)	0,45	0,45	0,47	0,47	0,99
Ишлаб чиқарувчилар баҳолари индекси (Бирлик сифатида олинган максимал нарх индекси билан саноатнинг улуши сифатида ҳисобланади)	0,94	1,00	0,98	0,92	1,00
Меҳнат унумдорлиги индикатори (Саноатдаги бирлик сифатида қабул қилинган энг юқори меҳнат унумдорлигининг улуши сифатида ҳисобланади)	0,62	0,68	0,58	0,21	0,91
Нодавлат мулк шаклли корхоналарнинг улуши (Саноатдаги корхоналар сони 1 деб қабул қилинган)	0,99	0,99	0,99	0,99	0,99
Саноат ишлаб чиқариш маҳсулотининг экспортга лаёқатлилиги (Таҳлил қилинаётган йил учун саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми пул кўринишида 1 деб қабул қилинган)	0,40	0,31	0,34	0,12	0,25
Саноат ишлаб чиқариши маҳсулотининг импортдан мустақиллиги даражаси (Таҳлил қилинаётган йил учун саноатда ишлаб чиқариш ҳажми пул кўринишида 1 га тенг деб қабул қилинган)	0,99	0,99	0,99	0,99	0,99
Асосий капиталга инвестициялар таркиби индикатори (Инвестицияларнинг максимал миқдори 1 га тенг деб қабул қилинади)	0,38	0,46	0,65	0,29	1,00

Ўсишнинг Марказий-Ғарбий қутбининг ўзаги озиқ-овқат саноати бўлганлиги сабабли, ўсишнинг Марказий-Ғарбий қутбининг инвестицион жозибадорлиги Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд вилоятининг озиқ-овқат ва енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ва ушбу тармоқлар корхоналарининг ўсиш нуқталари - корхоналар мажмуаси сифатида таққосланади. Қурилиш индустрияси сектори фаол ўсиш нуқтаси бўлсада, у инвестицион жозибадорликни таққослаш учун асос бўла олмайди, чунки у хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли ва баҳолаш методологиясининг бошқа хусусиятига эга.

¹⁶ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилди.

Шундай қилиб, ўсишнинг Марказий-Ғарбий қутбини таққослаш учун асос сифатида қуйидаги 6 та корхона - ўсиш нуқталари танланган:

1. “Сайрам савдо” ХК;
2. “Пайшанба нон диёри” МЧЖ;
3. “Fayz bashirbek” МЧЖ;
4. “Kumush tola” ХК;
5. “BIZNES BIG YORK” МЧЖ;
6. “КАТТАБЕК BUILDER” ОАЖ.

Ўсишнинг Марказий-Шарқий қутбига Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 1 та енгил саноат корхонаси – “SAID SHERXON” МЧЖ, битта қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхонаси “Хо‘jalik suv qurilish invest” МЧЖ ва 5 та озиқ-овқат саноати корхоналари киради. Ўсиш қутбининг инвестицион жозибадорлигини таққослаш объекти 16 та корхонани ўз ичига олган Самарқанд вилоятининг озиқ-овқат саноати ҳисобланади.

Ўсишнинг Жанубий қутбига Самарқанд вилояти Ургут “BAHT POLIMER” МChJ QK, “KONTINENTAL-LUX” Қ/К МЧЖ, “YEC GILAM” МЧЖ, “SAM-NUR-TAFVIZ” МChJ, “URGUT-UFA INVEST” МChJ, “JAMSHID HOSILDOR BOG‘LARI” МЧЖ, “AZIZBEK GOLDEN FRUITS” МChJ, ФХ ”BODOMOV BEGZOD BAXRIYEVICH AGROZAMIN DALASI” корхоналари киради.

Шу билан бирга, биз тизимлаштирилган кўрсаткичлар гуруҳига охириги кўрсаткични қўшдик-ўсиш қутбининг инвестицион жозибадорлигини ҳисоблаш учун инвестицион масканда ўсиш локомотивининг мавжудлиги.

Ўсишнинг Марказий-Ғарбий қутбининг ҳар бир ўсиш нуқтасининг рентабеллиги ва солиштирма оғирлигини алоҳида ҳисоблаб, биз ўсиш қутбининг ўртача рентабеллик даражасини аниқлаймиз (4-жадвал).

4-жадвал

Самарқанд вилоятининг Марказий-Ғарбий қутби ўсиш нуқталарининг ишлаб чиқариш рентабеллигини баҳолаш (млн.сўм)^{17*}

Корхоналар	Кўрсаткичлар					
	Пр (фойда)	ТР (даромад)	ТС (харажатлар)	Ре (рентабеллик)	Улуши	Ўсиш нуқталари рентабеллиги
“Kattabek builder” ОАЖ	14781,5	66095,5	51314,0	0,2881	0,757	0,218
“Пайшанба нон диёри” МЧЖ	2205,3	8508,4	6303,1	0,3499	0,097	0,034
“Kumush tola” ХК	1489,0	2540,5	1051,5	1,4161	0,029	0,041
“Biznes-Big York” МЧЖ	669,5	4057,2	3387,7	0,1976	0,046	0,009
“Fayz bashirbek” МЧЖ	1392,9	5121,0	3728,1	0,3736	0,059	0,022
“Сайрам савдо” ХК	407,6	980,2	572,6	0,7118	0,011	0,008
Ўсиш қутби бўйича жами	20945,8	87302,8	66357,0	3,3371	1,0	0,055

4-жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили биринчи ўсиш нуқтасининг энг юқори рентабеллигини кўрсатади. “Kattabek builder” ОАЖ нинг рентабеллиги ўсиш қутбига кирган олти корхона умумий

¹⁷ Самарқанд вилояти Ҳокимлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

рентабеллигининг қарийб 65 фоизини ташкил этади. Қолган ўсиш нуқталари озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни ўз ичига олган бўлиб, улар умумий кўрсаткичнинг 35 %ини ташкил қилади.

Диссертациянинг «**Инвестицион салоҳиятни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида иқтисодиётдаги ўсиш кутблари ва нуқталарининг ИСни бошқаришдаги иштирокини ошириш масалалари, ИСни бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналиш ва истиқболлари илмий асослаб берилган, ИСни бошқаришда инновацион омил таъсирчанлигини ошириш йўллари, шунингдек, инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ушбу масалада инвестиция объекти – аниқ корхоналарни танлаш моделидан инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш моделига ўтиш креатив руҳда амалга оширилмоқда. Бизнингча, инвестиция лойиҳаларининг ўзаги иқтисодиётнинг ўсиш кутблари ва нуқталари бўлиши лозим, уларни устувор молиялаштириш орқали мавжуд натижалардан бир неча баробар юқори иқтисодий даромад олиш мумкин.

